



НУРАЛИ ҚОБУЛНИНГ БАДИЙЛИК СИРЛАРИ

Толипова Аида Муратовна

ТТЕСИ докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10927443>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 11-mart 2024 yil

Ma'qullandi: 15-mart 2024 yil

Nashr qilindi: 17-mart 2024 yil

KEYWORDS

ёзувчи, ҳикоя, образ,
бадийлик, памфлет, роман,
қиёсий адабиётшунослик,
тарихий роман, Нурали
Қобул.

ABSTRACT

Мақолада ёзувчи Нурали Қобул ижодининг ўрганилиши тарихи, ёзувчи бадий маҳоратининг баъзи жиҳатлари ҳақида сўз юритилади. Муаллиф Нурали Қобулнинг “Суд” ҳикояси таҳлили орқали муаллифнинг бадий жасорати, асар структураси, сюжет ва композиция ҳақидаги фикрларини баён этади.

Истеъдодли ёзувчи Нурали Қобул ҳозирги ўзбек насрида алоҳида ўринга эга. Унинг ўттиздан зиёд ҳикоялари, ўндан ортиқ қиссалари, эссе ва шеърлари аллақачон ўз ўқувчиларини топган. Сўнгги йилларда эса Туркистон тарихининг бадий ифодаси саналган ва жами 24 жилддан иборат “Темурийлар эпопеяси” ҳамда 5 та китобдан иборат роман-памфлети адабиётимизда катта воқеа бўлди, дейиш мумкин. Бу ҳақда адабиётшунос Қ.Йўлчиев шундай ёзган: “Ёзувчи ўзбек адабиётида эпопея жанри тамойилларини кенгайтирибгина қолмай, памфлетнинг романик шаклини ҳам қўллади. Нурали Қобул ёзган эпопея ва памфлет адабиётимиз учун катта ҳодисага айланди” [5, 243]. Чунки ўзбек давлат ва жамият қурилиши тарихининг бадий ифодаси сифатида ўнинчи-ўн олтинчи асрлар тарихи яхлит тизим сифатида яратилмаган эди. Бундан ташқари, ўзбек адабиётида роман-памфлет шу пайтгача мавжуд бўлмаган эди. Бунинг устига у бешта романдан иборат. Аслида Нурали Қобулнинг “Сенинг болалик осмонинг” қиссаси 1981 йилда собиқ мамлакатда “Юность” журналида босилган ва “йилнинг энг яхши қиссаси” номинациясини олган эди. Бу ўша даврда ўзига хос эътибор эди. Шунингдек, 1981 йилда “Юность” журналининг 12-сонида “Ойқор” қиссаси чоп этилади ва 1982 йилда бу қиссасига собиқ иттифоқ ёзувчилар уюшмасининг Максим Горький номидаги мукофоти берилади. Унинг ижодига Чингиз Айтматов, Борис Полевой, Андрей Вознесенский, Одил Ёқубов каби машҳур ижодкорлар ижобий баҳо беришган. Демак, Нурали Қобул истеъдодли ёзувчи ва улкан адиб сифатида олиниши ва унинг асарлари қиёсий адабиётшунослик объекти бўлиши керак.

Тўғри, адабиётшуносликда Нурали Қобул ижоди ҳақида бир қанча тадқиқотлар олиб борилган, фикрлар билдирилган. Хусусан, академик Б. Назаров тарихий ҳақиқатни бадий акс эттириш, миллий ўзликни англашда тарихий воқеанинг аҳамияти ва романдаги сюжет қурилиши ҳақида йирик мақола ёзган [6, 457-477]. Академик А. Саидов эса Амир Темур шахсининг бадий ифодаси ҳаққоний эканлигини эътироф этган [8, 14]

, Профессор А.Аҳмедов бир нечта тарихи романларига ижобий тақризлар ёзиб берган ва куйидагиларни таъкидлаган: «миллий адабиётимиз, қолаверса, жаҳон адабиёти тарихида муаллиф романлари каби кенг кўламли, эпик ҳажмдаги яхлит асарлар саноклидир. Назаримда, ёзувчимиз ўз қамрови ва меҳнати билан кечмиш ҳамкасбларидан ўзиб кетгандек»[2, 380], туркиялик ёзувчи Собир Сайҳон Нурали Қобул романлари Туркияда ҳам севиб ўқилиши ва унинг бадиий-эстетик аҳамияти ҳақида ёзган [10, 384-402]. Адабиётшунос Т.Қаҳҳоров эса ёзувчи асарларидаги поэтик масалалар, жумладан, композиция, ёзувчининг услуби, асарлари тили тўғрисида кичик тадқиқотини эълон қилган[12, 436-451]. Профессор Й.Солижонов ёзувчининг “Елкадаги юк”, “Азоб” каби ҳикояларини таҳлил этган[11]. Профессор И.Ёқубов Нурали Қобул ёзувчининг композиция яратишда халқ кўшиқлари ва шеърининг парчалардан фойдаланиш маҳоратини очиб берган [4, 394-430]. Бошқа бир адабиётшунос У.Ўлжабоев эса ёзувчининг “Буғдой пишиғига етмаганлар” қиссасидаги бола образи ҳақида яхши фикрлар билдирган [15]. Шу олим бошқа бир асаридан эса ёзувчи ҳикоялари таҳлил этган[16]. Гулистонлик ёш адабиётшунос А.Тўйчиев эса Нурали Қобул насри поэтикасини ёзувчи ҳикоя ва қиссалари мисолида ўрганган[13]. Ёзувчининг тарихий романи бўйича М.Ғаниев диссертация ҳимоя қилган[18]. Бунда тадқиқотчи ёзувчининг битта романини тадқиқ этган ва ундаги поэтик масалалар очиб берилган. Шунингдек, Жовли Хушбоқов, У.Ўлжабоевларнинг яна биттадан илмий рисолалари ҳам мавжудки, уларда Нурали Қобул ижоди ҳақида илмий-публицисик руҳдаги фикрлар билдирилган[17]. Жовли Хушбоқовнинг рисоласи “Темурийлар эпопеяси”нинг “Жон ва шон таласаси” номли VI жилдида ҳам қисман эълон қилинган[3].

Кузатишлар шуни кўрсатдики, илмий манбалардаги масала ва муаммоларни куйидаги гуруҳга ажратиш мумкин: 1) ёзувчи асарларидаги сюжет, композиция, образлар тизими ҳақида 1 та монография нашр этилган, 2 та диссертация ҳимоя қилинган; 2) ёзувчи асарлари ҳақида 3 та илмий рисола, ўттизга яқин илмий мақолалар. Аммо ёзувчининг ижодий маҳоратининг жаҳон насри намуналари билан яқинлиги, умуминсоний масала ва муаммолар бадиий ечимига бағишланган асарлари етарлича тадқиқ этилмаган. Бундан ташқари, ёзувчининг роман-памфлетини рус ва француз роман-памфлетлари билан қиёслаб ўрганиш ёки тарихий эпопеясини ҳам инглиз тилидаги таржимасини таржимашунослик нуқтаи назаридан ўрганиш долзарблик касб этади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Нурали Қобулнинг бир ҳикоясидаги бургут образи миллий адабиёт доирасида Шукур Холмирзаев, Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикояларидаги шу типдаги образ билан қиёсий аспектда таҳлил этилган[5, 45-67].

Кўринадики, Нурали Қобул ҳикоя, қисса ва романлари ҳақида тадқиқотлар олиб борилган. Ёзувчининг ўзбек адабиётидаги ўрни баҳоланишга ҳаракат қилинган. Аммо манбаларда АҚШ насри билан қиёсий аспектда таҳлил этилмагани аниқланди. Ҳолбуки, ёзувчи бадиий жиҳатдан пухта, пишиқ асарлар ёзган. Унинг асарлари инглиз, рус, турк, қирғиз, қорақалпоқ тилларига ўгирилган. Аммо бу фаолиятига адабиётшунослар томонидан етарлича баҳо берилмаган.

Аслида ёзувчининг илк ҳикоя ва қиссалари ўтган асрнинг 70-йиллари иккинчи ярмида эълон қилина бошланди. Уларда лирик-субъектив баён, услубий ўзига хослик, ва албатта, чорвадор халқ турмушининг акс этиши билан ажралиб турган. Ҳар бир ёзувчи ўз ҳаётининг кузатишлари, билими, малакаси ва тажрибасидан келиб чиқиб, оламни ўзига

хос тарзда кўради, англайди ва бадий ифодалайди. Шу маънода истеъдодли ёзувчи Нурали Қобул замонавий ўзбек-туркий адабиётга қўшган ҳиссаси ва ўрнини жаҳон адабиётшунослиги ҳамда қиёсий адабиётшунослик объекти қилиб олишга эҳтиёж туғилади. Боиси, ёзувчи ҳикоя ва қиссаларидаги образларнинг табиатга яқинлиги, инсон ва табиат ўртасидаги муносабат, ҳаётда ўрнини топиш, бахт ва умр мазмунини белгилаш, инсон қадри каби қатор ижтимоий муаммолар ёзувчи асарларида ўз ифодасини топган. Масалан, ёзувчининг “Суд” ҳикоясини олиш мумкин[7]. Ҳикоянинг номига диққат қилинса, ассоциатив тарзда ўқувчи хаёлига жиноят, ҳуқуқбузарлик ёки қонунбузарлик жараёни тушунилади. Аммо бу ерда инсон қадри ва уни жамиятни бошқарувчи қатлам томонидан бузилганига ишора бор.

Ҳикояда воқеа ровий-қаҳрамон тилидан баён қилинади. Аммо у деярли гапирмайди, балки воқеада иштирок этади ва сюжетни баён қилади. Ҳикоя шундай бошланади: “Ўн йиллар чамаси бурун бу воқеа ҳақида қоғоз қоралаб, ташлаб қўйган эдим. Сабаби чоп этиш ҳақида ўйлаш ҳам мумкин эмас эди у вақтда. Бироқ ўша қораламани топа олмадим. Бир ҳисобда бу яхшидир. Ўша ғалати воқеага бугун кун назари билан янада чуқурроқ қарша имкони туғилар. Эслаганим сари ўз-ўзимдан ҳижолат чекиб, хонадан у бошидан бу бошига бориб келавераман. Ўша одам ҳозир экан, деб ўйлай бошлайман. Бу воқеани у пайтда ҳеч кимга айтиб ҳам бўлмас эди”[7,186]. Парчага диққат қилинса, ровий-қаҳрамоннинг виждони қийналгани, аллақандай «айтиб бўлмас» ишга гувоҳ бўлганини англаш мумкин. Лекин матн тагидаги “нимкоса” айнан қандай? деган саволни ўртага чиқаради ва ровий нутқидаги тугунни кучайтиради, ўқувчида воқеага қизиқиш уйғотади. Бу аслида воқеани типиклаштириш усули бўлиб, умумижтимоий воқеа-ҳодисалардан, айнан, биттасини бошқалардан характерли жиҳатига ишора қилинади. Зеро, “типикликда ҳодисанинг қонуний хусусиятлари рўёбга чиқади, унинг энг муҳим, ҳал этувчи ва доимий аломатлари ўз аксини топади” [1,82]. Типикликнинг бундай аломатлар билан юзага чиқиши воқеани алоҳида образ ва образли ифодалашни талаб этади. Натижада ровий сюжет воқеаларига нисбатан аниқроқ, конкретроқ вазият тасвирини олиб киради. Унда албатта маълум персонажни ифодалайди. Масалан, Нурали Қобул юқоридаги парчадан кейин воқеанинг нисбатан аниқроқ ифодаси ўтади. Натижада, ҳодиса ва у юз берадиган макон, ундаги образлар аниқ тасвирланади: “Қарағайлар қийғос гуллаган, аста-секин қизиётган заминдан ўт-ўлан оҳиста бош кўтариб, кўёшга талпинаётган кўклам кунларининг бири эди. Баҳор кечикканидан апрелнинг охирларигача сояроқ жойларда қор туриб қолган, тоғлар баҳори эса астойдил кечикаётган эди”[7,186]. Ровий-персонаж шу ўринда пейзаж усули орқали конкрет макон образини яратган. Унда баҳорнинг ўртаси, майсалар асталик билан ўсаётгани ҳам тилга олинади. Натижада аниқ жой тасвири юзага келади. Кенг планда бу аслида воқеа кечадиган жой, макон образи бўлиб, воқеанинг умумий эпик кечинмасига таъсир қилади. Яъни ровий-персонаж баҳорнинг кечикаётганини тасвирлаш орқали ҳикоянинг мазмунидаги муаммолар тизимига сингдирилган асосий муаммони ҳам юзага келишида нисбатан тараққиётдан ортда қолган одамлар сабабчи эканлигига ишора қилади. Лекин ҳозирча сюжет тизимида бу одамлар фаоллашмайди. Балки асосий персонажлар тасвирланади: «Газета чиқариш учун кечки навбатчиликка қолган уч киши – мен, мусахҳиҳ, партия турмуши бўлимининг мудир, бош навбатчи Ҳайитқул Норматов, унинг ёрдамчиси, катна мухбир Шокир Шерматов нашриёт рўпарасидаги ресторанда

кечки овқатни қилиб, юз граммдан «Сурхон» роми билан томоқларимизни ҳўллағач, ўзимизча дам олган киши бўлиб, ҳовлидаги қари ўрик остида гурунглашиб, чой ичиб ўтардик...Мен бўлсам беихтиёр бекат томонда овозлари борган сари баландлашаётган оломонни кузатардим. Кўп ўтмай ғала-ғовур авжига чиқди». [7,187]. Бу ерда ровий-персонаж вазият, пейзаж тасвиридан жой образи ва персонаж томон томон ўта бошлайди. Натижада ровий нутқи ҳам каби умумийлик тасвирдан хусусий шахслар тасвирига ва уларнинг аниқ ҳолатига силжий бошлайди. Яна шу ерда сюжетнинг тугуни ҳам бошланади. Бу узоқдаги оломоннинг ғала-ғовури бўлиб, шу овозигача бўлган воқеа экспозиция саналади. Келтирилган парчадаги яна бир жиҳат борки у Нурали Қобул ҳикоясини ғарб насрига яқинлаштиради. Ровий нутқида биз ром ичиб ўтирган одамларни кўрамиз. Ром Европа маданияти кириб борган мамлакатларда, жумладан, АҚШда кенг тарқалган спиртли ичимлик саналади. Нурали Қобул ана шу ичимликка ишора қилади. Қизиғи, ром бизда нисбатан кам бўлган.

Биз бадий асардаги образ ва унинг бадий ифодаси ҳақида фикр юритар эканмиз, Нурали Қобулнинг воқеликни бадий идрок этиши, оддий воқеага янги бадий-эстетик вазифа юклаб, уни бадий образга айлантириши, унда эса аниқ персонаж, макон, жой тасвирини бериши орқали образнинг турли шакл ва кўринишларни яхлит тизими сифатида шакллантирганган ишонч ҳосил қилдик. “Бунда ўта мураккаб ва ўта мукамал тизим ичига кирилади. Бундай тизим ичидаги ҳар бир унсур бошқалари билан ўзаро кўп хилдаги таъсир ва алоқада бўлади, сўз эса оддий мулоқот қуролидан образга, образ эса образлар тизимига, образлар тизими бадий ҳақиқатга, бадий ҳақиқат эса асар (ижодкор) концепциясига айланади” [9, 34-35]. Натижада ҳикоя умуминсоний бўлган инсон қадри, шахс эрки, мустабид тузум ва унинг иллатлари ҳақида эканлиги бадий янгилик сифатида тавсия этилади.

Замонавий ўзбек насрида алоҳида ўринга эга бўлган Нурали Қобул яратган бадий матн(асар)нинг мазмуни реаллик моҳиятига яқин келади. Ҳикоядаги мазмуний яхлитлик турли макон, персонажлар тасвири орқали ягона бадий концепция, аниқроғи инсон реал мавжудлик сифатида мутлоқ устунликка эга бўлиши керак, деган ғояга таянади. Буерда персонажларнинг қатъий ишончи, ҳикоядаги бадий дискурсга киришган суд вакилининг портрети, кийишидан тортиб, ишини ўз идорасида эмас, ҳеч ким йўқ жойда олиб бориши ва, ҳатто, асл моҳиятни яшириб, ҳаётдан кўнгли совиган одамни индамасдан қамоққа олиши каби ҳолатларни ёзувчи дадиллик билан олиб чиқади.

Бугунги кун ўқувчиси учун бундай вазият тушунарси бўлиши мумкин. Аммо собиқ тузумни кўрган кишилар бундай ажабланмайди. Ёзувчи ўз асарларига инсон қадрини урган, шапхс сифатида амалдордан бошқасининг гапи ўтмайдиган, раҳбарлар қўлида кўғирчоқ бўлган суд раиси образини ҳам яратган.

“Нурали Қобул асарларида Бахмал тоғлари, шу юртда униб-ўсган одамларнинг қиёфаси, уларнинг орзу-умидлари, дарду ҳасратлари, қувонч ва изтироблари тасвири бор. Ёзувчи ўзига хос феъл-атворли, ҳаётий образлар тизимини бунёд этди. У ўзи билган одамларни асарларида кўришни истайди. Унинг адабиётда ўз мавзуси, ўз қаҳрамонлари бор. Ўз қаҳрамонлари қиёфаларини аниқ гавдалантира олган адиб ўзига хос образлар галереясини яратган” [13,146]. Демак, мазкур ҳикоядаги образларни ҳам шу қаторга қўшиш мумкин. Жумладан, давлат раҳбари расмидаги кўзини ўйиб олган ва тузумдан

норози бўлган, қамоқдан чиққан ва яна тезроқ ўша жойга қайтишни истаётган Котельников, учта сохта гувоҳ ва судья “Суд” ҳикоясидаги асосий образлар қатори саналади. Бу ерда асосий фожеа Котельниковнинг ҳаракати ва унинг қамоққа қайтиш истаги, ёхуд шаҳар марказидаги салқин жойда дам олиб ўтирган учта зиёлилар ҳолати эмас, балки суд раиси Раҳматовнинг ҳисобланади. У шу қадар ҳавфли, ҳалокатли шахски,буни ўзи ҳам қайсидир маънодаанглашига баъзи белгилар ишора қилади. Масалан, ранги қути ўчганлиги, телефондаги одам кечирим сўраши кабиларни келтириш мумкин. Аслида у суд раиси ҳуқуқбузарлик ёки қонунбузарликни у белгилаши ва тегишли тартиб,адолатли ҳукм чиқариши зарур. Аммо ўша пайтдаги қонунларда судлар даҳлсизлиги ёзилган, амалда эса бунинг тескараси эканлиги Раҳматов тимсолида очиб берилган. Демак, адиб яратган образ галереяда ўз ваколатини бажара олмайдиган, собиқ тузум қулига айланган эрксиз судьянинг образи ҳам бор дейиш мумкин. Ёзувчи унинг портретини шундай чизади: “Соат ўндан ўн дақиқа ўтганда оқ-сарикдан келган, ранг-қути ўчган, тароқ тегмаган патаксимон сочи тўзғиган, бўйинбоғидаги доғ излари анча наридан ҳам сезилиб турадиган жиккаккина бир киши суд биносидан, ўзини таништирди. Унинггапириши қандайдир қўнғизнинг ғингиллашини эслатар, устидаги қиммат костюм-шимга анчадан бери дазмол тегмаган эди” [7, 189]. Ёзувчи бу парчада суд раисининг портретини берар экан, уни салбий бўёқларда тасвирлайди. Айнан шундай ёндашув ҳам суд раисининг жамиятдаги ўрнини кўрсатади. Аслида эса қонун устуворлигини таъминлаши, жазо муқаррарлигини белгиловчи ва қарорлари бажарилиши шарт бўлган одамнинг собиқ тузум давридаги даражасини аниқ тасвирланган. Бундай фикрни турли образ ва характерлар орқали ўқувчига сингдирар экан, ҳикояни маълум қисмларга ажратиб ташкиллайди. “Зеро, ҳамма нарса ўсиб, ўзгариб боради, жумладан олам ҳам улкан макон сифатида борлиқни қоплаган ва чексиздек туюлса-да, у ҳам ўзгариб боради. Шунинг учун ижодий жараён ҳақли равишда турли қисмларга ажратилади” [19, 247]. Шу маънода ҳикоянинг оломон шовқини содир бўлган қисми алоҳида олиниши мумкин. Судга чақирув қоғози келган ва судраси билан учрашув алоҳидабўлса, учинчи қисм бу Котельников билан учрашув пайтини олиш мумкин. Тўғри, мазкур қисмлар сюжетнинг эпилог, экспозиция, тугун,воқеалар ривож, кульминацион нуқта, ечим каби компонентлари доирасида юзберади. Аммо,макон ва вақт нуқтаи назаридан олган уч қисмга ажратилиши ҳам мумкин. Бунда образ ва уларнинг характери яхшироқ юзага чиққан. Ёзувчи шу тариқа ўздавридаги сохта судлар,жамиятни ўз билганича бошқарган раҳбарлар ва бунинг халқ ижтимоий тараққиётига салбий таъсирини бадиий ифодалай билган.

Хуллас, Нурали Қобул ва унинг бадиий олами ҳақидаги илмий тадқиқотлар маълум тизим олиб борилмоқда. Аммо ёзувчининг бадиий-эстетик олами, ҳикоя, қисса ва романларининг замонавий ўзбек адабиёти тараққиётидаги ўрни етарли даражада илмий исботини топмаган. Шунинг учун Нурали Қобул асарларини таҳлил этиш ва уни жаҳон адабиёти даражасида туриб ўрганиш зарурати пайдо бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Izzat Sul-ton. Adabiyot nazariyasi. – T.: Oqituvchi, 2005. – 272 b.

2. Аҳмедов А. Шонли тарихимизнинг ёрқин саҳифалари / Нурали Қобул. Қадарнинг ғариб жилваси. – Т.: Ijod-press, 2017. – 378-380 б.
3. Жовли Хушбоқ. Адолатни айқириб айт ёхуд Ойқор ошган орзулар / Нурали Қобул Жон ва шон талвасаси. –Т.: Ijod-press, 2016. – Б.328-408.
4. Ислон Ё. Ҳозирги ўзбек романлари поэтик структурасида кўшиқ ва лапарларнинг ўрни. / Қадарнинг ғариб жилваси. – Т.: Ijod-press, 2017. – Б.394-430.
5. Йўлчиев Қ. Нурали Қобулнинг прозаик маҳорати. – Тошкент: Ма'rifat bitiklari, 2021. – 252 б.
6. Назаров Б. Тарихий ҳақиқат ёғдулари ёхуд ўзликни бадий англаш. / Нурали Қобул Етти иқлим хоқони ёхуд аҳд ва тахт. – Тошкент: Шарқ, 2014. – Б. 457- 477.
7. Нурали Қобул. Маймунлар мамлақати ёхуд ёввойилар орасида. – Тошкент: Ijod-press, 2017. – 186-194-бетлар.
8. Саидов А. Амир Темур сиймоси – ўзбек адабиётида. // Соҳибқирон юлдузи. 2016. №1, - Б.14;
9. Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент, 2004. – 128 б.
10. Собир Сайхон. Истанбулдан мактуб. / Нурали Қобул. Салтанат тулпори. Тарихий роман. – Тошкент: Ijod-press, 2017. – Б.384-402.
11. Солижонов Й. “Елкадаги юк” “Азоби” // Китоб дунёси, 2015, 4 март. №5.
12. Тоҳир Қаҳҳор. Кўнгиллардаги Темур ҳайкали. / Нурали Қобул. Жаҳон мулкининг султони ёхуд Фотиҳ ва Йилдирим Боязид. – Тошкент: Камалак, 2016. – Б.436-451.
13. Тўйчиев А.Х. Нурали Қобул насри поэтикаси (ҳикоя ва қиссалари мисолида). Фил.фан.б.фалсафа доктори (PhD) диссертацияси: ГулДУ, 2022. – 157 б.
14. Ўлжабоев У. Адабиёт – кўнгил кўзгуси. –Т.: Турон замин зиё, 2017. – 215 б.
15. Ўлжабоев У. Хотирада чизилган излар. – Тошкент: Ғафур Ғуллом номидаги нашриёт матбаа бирлашмаси, 1992. – 200 б.
16. Ўлжабоев У. Ҳикоячиликда давр нафаси. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2016. – 290 б.
17. Хушбоқов Ж. Юрагимнинг сурати. – Т: Янги аср авлоди. 2018. – 226 б.
18. Ғаниев М. Тарихий романда сюжет ва композиция. (Нурали Қобулнинг “Султоннинг сўнгги куни ёхуд Амир Соҳибқирон ва Тўхтамишхон” романи мисолида). Фил.фан.б.фалсафа доктори (PhD) диссертацияси: ФарДУ, 2022. – 142 б.
19. Yulchiyev, Kahhar Vahabovich (2019) “ The entirety of subjective and objective”, Scientific Bulletin of Namangan State University: Vol. 1: Iss.3, Article 46